

**САВОЛ** - Маргарин, шоколад ва бошка баъзи бир озик-овкат махсулотларининг ёрлик когозида унинг таркибида Е-322 моддаси борлиги ёзилади. Баъзиларнинг айтишига караганда бу чўчка ёги экан. Чиндан хам шундайми? Шунингдек, бизга номаълум бўлган мана шундай махсулотларнинг халол эканлигига кандай ишонч хосил килиш мумкин?

**ЖАВОБ (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, роҳимахуллоҳ)** – Албатта, бу хозирги кунда кўп такрорланадиган саволлардан хисобланади. Факат Е-322 эмас, балки шунга ўхшаган рамз билан ишора килинган кўпгина моддалар бор. Ана ўша моддалар озик-овкат махсулотларини маълум бир савияда ушлаб туриш, ёки кандайдир бир бошка вазифаларни бажарадиган моддалар бўлади. Улар битта чўчка ёгидан ташкил килинган эмас, балки бир неча коришма нарсалардан ташкил килинган – «жалатин» ё шунга ўхшаган турли моддалар хисобланади. Уларнинг ичида чўчка ёги кўшиб ишлатилган бўлиши мумкин, ёки кўпроқ хайвонларнинг суяклари ишлатилган бўлади ва ўшанинг ичида чўchkанинг суяги хам бўлиши мумкин.

Мана бу масалага аввал бўлмаганлиги учун эски китобларда жавобини топа олмаймиз, лекин хозирги замон уламолари бу масалаларни пухта, нихоятда диккат билан ўрганишган, мана шу озик-овкат махсулотларини тайёрлайдиган кишилар билан, олимлари билан ўтириб, таркибларини, тахлилларини – хамма нарсаларини кўпчилик бўлиб ўрганиб чикишган ва ўз хulosаларини айтишган.

Бу масала бизнинг диёrimизда, халкимизнинг орасида энди-энди суриштириб борилаётгани эътиборидан, мўмин-мусулмонлар бунга кизикиб, хукмини ўрганишга кизикаётганлиги эътиборидан бу масалага батафсил тўхтаб ўтмокчимиз ва ана ўша тўхтаб ўтишда асосан, Ислом фикхи академиялари, тиббий илмлар бўйича ислом ташкилоти уламолари ва бугунги кунимизда кўзга кўринган факихларининг мажлислар ўtkазиб, маслаҳат ва чукур тахлил килиб ўрганиб чиккандан кейинги хulosаларини сизларга етказишга харакат киласиз.

Мана шундай савол бошка уламоларга хам берилган. Бизга берилган саволда Е-322 дейилган бўлса, бошталарда, мана мисол учун «Мусулмон озчиликлар фикхи» деб номланган китобдаги саволда Е-422, Е-553 деб рамз килинган моддалар хакида сўралади. Унда хам, бизнинг саволимиздаги каби «мана шу моддалар ичига аралаштирилган озик-овкат махсулотларини еса бўладими, бизга айтилишича ана шу нарсаларнинг асли чўchkанинг ёги ёки суягидан эмиш?» деган саволлар берилган.

Жавобга айтиляптики, ана ўша ракамланган моддаларнинг хаммасининг хам асли чўchkанинг суягидан ёки ёгидан бўлавермайди. Баъзи холатларда ўша нарсаларсиз килинган холатлар хам бор. Лекин харом нарсадан килинган фаразни эътиборга олсак хам, фукахоларнинг барча жумхурлари карор килишганки, «Агар нажас нарса бошка нарсаларга аралашиб йўқ бўлиб кетса, унинг хукми хам ўзгаради.

Мисол учун: арок моддаси – маст килувчи ичимлик ўзи жойида турган холида маст килувчи ичимлик холидан ўтиб сиркага айланиб колса, халол бўлади. Ёки нажосат нарса

куйиб кул бўлса, унинг хам хукми ўзгаради - покка айланади.

Шунингдек, нажосат нарса тузнинг ичига тушиб, туз уни еб юборса, унинг хам хукми ўзгаради. Мисол учун, бир хайвон, хох у ит бўлсин ёки чўчка бўлсин туз конига кулаб тушган бўлса-ю, туз уни тамоман еб юборса, унинг итлик ёки чўкалиқ хусусияти тамоман йўколади, у умуман вужудда бўлмай йўкка айланиб кетади. Энди ўша ерда тузгина колади, ана шу пайтда сифати ўзгарган бўлади ва исми хам колмайди, ўзгаради. Шунга биноан унинг хукми хам ўзгариб нажосатдан покликка айланади.

Мана шу гаплардан хulosса чикариб айтамизки - биз бундай холатларда нарсаларнинг аслига караб хукм чикармаймиз, чунки арокнинг асли ўзи узумдан бўлади, ёки шунга ўхшаган шариатда рухсат берилган мубоҳ нарсалардан бўлади. Лекин, ўша узум, ёки бугдой, ёки бир нарса ишлов бериш окибатида узумлик, бугдойлик холини ўзгартириб, маст килувчи ичимликка айланади. Ана шу пайтда «бунинг асли узум эди, ичса бўлаверади» демаймиз. Чунки турган холига караб хукм чикарамиз – «бу узум эди, хозир хамрга-арокка айланибди, харом бўлди» деймиз. Ана шу арокка айланиб турган нарса маълум бир муддат ўтиб, ўзгариб, сиркага айланиб колса, «бу асли арок эди, энди сирка бўлибди, ишлатмаймиз» демаймиз, балки «бу сирка, буни ишлатса халол, ўзи покдир» деган хукмни чикарамиз.

Хозирги кундаги баъзи бир гизо ёки даволарга чўchkанинг бирор нарсаси аралашган бўлса хам, лекин ўша аралашган нарса ўзининг асл хусусиятини йўкотган бўлади. Бошкacha ибора билан айтганимизда, «кимёвий ўзгариш окибатида бутунлай бошка бир нарсага айланиб колади. Энди унинг нопоклиги, нажаслиги колмайди ва ўша нарсада «чўchkанинг гўшти харом» деб айтадиган хукмга хеч кандай дохил бўлмай колади.

Мисол учун, ўша нарсалардан килинган моддалардан баъзилари хайвоннинг суягидан килинади, гохида ўша суяк чўchkанинг суяги хам бўлиши мумкин. Бу ишдан хабардор бўлган, эътиодли одамларнинг айтишича ана ўша кўшилган модда – чўchkанинг ёги ёки гўшти бўлган нарса кимёвий аралашув окибатида ўзининг хусусиятини батамом йўкотган бўлади. Ана шундай нарсалардан баъзи вактларда совун килиш мумкин, ёки тиш тозалайдиган «маъжун» - пасталар килиш мумкин ва булардан фойдаланиш мумкин. Чунки хали айтганимиздек, мазкур моддалар ўзининг асл мохиятини йўкотган, батамом пок-халол нарсага кўшилиб кетган нарсалар бўлади.

Яна мана шу маънода сизларнинг эътиборингизга 1995 йил милодий санада, 22-24 май кунлари Кувайт давлатида бўлиб ўтган «Тиббий илмларнинг исломий муноззамаси» номли ташкилотнинг катта илмий анжуманида озик-овкат махсулотлари ва баъзи дори дармонларга кўшиладиган асли харом бўлган моддалар тўгрисида бугунги куннинг кўзга кўринган уламолари ва тиб ходимларининг жуда катта илмий анжумани ва унда такдим этилган 1112 сахифали хужжатнинг охирида чикарилган карорни кискача маъноси билан хам танишиб ўтишга ижозат бергайсиз:

**«Гизо ва даводаги харом килинган ва нажас бўлган  
моддалар хакидаги карор»**

1.Хар бир мўмин-мусулмон одам шариати исломия хукмларини ўзига лозим тутмоги вожибдур. Хусусан, озик-овкат ва даво соҳасида бунга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки мўмин-мусулмон одамнинг ейдиган нарсаси пок бўлмоги, ичадиган нарсаси пок бўлмоги, даволаниш учун истеъмол киладиган дорилари пок бўлмоги лозимдур.

Аллоҳ субхану ва таолонинг раҳмати кенг. Ўз бандаларига раҳм киладиган бу улуг Зот ўзининг шариатига эргашиш йўлларини хам енгиллаштириб кўйган ва бу борада зарурат тугилганда баъзи бир нарсаларнинг риоясини эътиборга олишни шариатига киритган. Ана шундай коидалардан бирида – «зарур бўлган холда ман килинган нарсаларга рухсат берилади» дейилган.

Шунингдек, «хожат тушган пайтда бу хожат заруратнинг ўрнига ўтади» деган коида хам бор. Аслида барча нарсалар мубоҳдир, илло ҳаромлигига эътиборли далил бор нарсаларгина ҳаром хисобланади. Шунингдек, «барча нарсалар аслида ўзи пок» деб хисобланади, лекин «нажаслиги, нопоклигига далил ишончли холда келтирган нарсаларгина пок эмас» деб хисобланади.

1.Ажнабий тиллардаги «алкогол» сўзи араб тилида «ал-Кухл» деб аталади, Лекин ажнабийлар хам алкоголни «ал - Кухл»дан олишганлиги маълум ва машхур. Ана шу алкоголь нарсалар шариат нуктаи-назаридан нажас хисобланмайди. Бу нарса «хамма нарсанинг асли покдир» коидаси асосида бўлган. Хусусан, ўша алкоголь нарсалар холис ўзи бўлса хам, бошка нарса аралаштирилган бўлса хам, ёки сувга аралаштирилган бўлса хам барибир.

Шу билан бирга, «хамр», яъни арок ва ичиб маст бўлиш учун тайёрлаб кўйилган нарсалар нажосат хисобланади. Шунга биноан, шариат нуктаи-назаридан алкоголь - яъни спиртли нарсалар тиббий хожат учун ишлатиладиган килиб тайёрланган бўлса, уларни терини, яраларни ва тиббий асбоб-ускуналарни тозалаш учун, микробларни ўлдириш учун ишлатиш мумкин.

Шунингдек, тиббий маънода ва тиббий ниятда тайёрлаб кўйилган спиртларни хиди яхши бўладиган атиrlар учун ишлатилса бўлади. Чунки, бу ердаги баъзи бир атирга кўшиладиган моддалар факат ана ўша спирт билангина эриши мумкин.

Шунингдек, баъзи бир кремларга хам мана шу нарса ишлатилади. Бу халиги ичадиган, маст бўлиш учун тайёрлаб кўйилган хамр – арок хукмiga кирмайди. Аммо, алкоголь нарса маст килувчи модда бўлганлиги учун уни ичмок, танаввул кilmok мутлако ҳаромдир.

Шунингдек, мўмин-мусулмонлар караб, ўрганиб билиб олишлари керакки, ўша ўзлари ичадиган даволарда ва унинг таркибида арок моддаси, маст килувчи ичимлик моддалари бўлмаслиги керак. Хусусан, болалар учун, хомиладор аёллар учун бериладиган нарсаларда.

Шунингдек, яхши билиб кўймок лозимки, хозирги кунда тайёрланаётган баъзи бир дориларнинг таркибида жуда хам оз мидорда алкоголь моддаси бўлиши мумкин, бу маст килиш ниятида эмас, балки дорини ушлаб туриш ниятида ёки баъзи бир даволовчи моддаларни эритиб юмшатиш маъносида, сув ва бошка нарсалар билан уларни юмшатиб бўлмаслиги юзасидан бироз кўшилган бўлади. Буларни истеъмол килса жоиз, рухсат берилган.

Шунингдек, баъзи бир озик-овкат махсулотларига маст килувчи ичимлик учун тайёрланган нарсаларни жуда оз микдорда кўшилган бўлса хам истеъмол килиш мутлако мумкин эмасдир. Бунга баъзи бир шоколадларнинг, музкаймокнинг турлари ва шунга ўхшаш махсус овкатлар киради. Баъзи бир газли ичимликлар хам бор, ана ўша нарсаларда маст килувчи нарсалар кўшилган бўлади – арокми, конякми ёки бошка нарсалар кўшилган бўлади – буларни ичишга мутлако рухсат йўк. Чунки шариат коидаси бўйича, кўпи маст килган нарсанинг ози хам харом бўлади.

Баъзи бир озик-овкат махсулотларини тайёрлаш пайтида алкогол моддасини жуда хам оз микдорда ишлатилиши бор. Бунда унинг мазаси учун эмас, балки сув ёки бошка нарсалар билан эримайдиган нарсаларни эритиш учун килингандир. Бу кўп таркалган нарса бўлганлиги учун ва ўша озик-овкат махсулотини тайёрлаш пайтида кўшилган жуда оз микдордаги алкогол нарса хавога буг бўлиб таралиб кетиши эътиборидан ундан озик-овкатларни истеъмол килишга рухсат берилгандир.

6. Баъзи бир озик-овкат махсулотлари борки, унинг таркибига чўchkанинг ёги кўшилади ва у эриб бошка нарсага айланиб кетмаган бўлади хамда ўз холида мазкур озик-овкат махсулотларини таркибида туради. Бунга мисол айтадиган бўлсак – баъзи бир пишлокларр, мойлар, ёвлар ва шунга ўхшаган нарсалар бор. Баъзи печенъеларни, шоколадларни ва музкаймокларни килишда чўchkанинг ёгидан фойдаланилади. Мазкур нарсаларда чўchkанинг ёги ўзи туради. Бундай таомларнинг барчаси харомдир. Уларни ёмок мутлако мумкин эмасдир. Чунки ахли илмнинг барчаси чўchkанинг хамма нарсаси нажас эканлигига ва уни еб бўлмаслигига иттифок килишган. Яна бир конун шуки, чўchkанинг моддасидан тайёрланган «инсулин» дориси. Буни канд касаллигига гирифтор бўлган беморлар учун даво сифатида ишлатилади ва уни шаръий коидаларга биноан зарурат учун истеъмол килса бўлади.

7. Агар гизо ва давога кўшилган харом нарса бошка моддаларга аралашиб, ўз хусусиятини тамоман йўкотиб, бошка бир холатга айланиб колса, уларни истеъмол килиши мубоҳ бўлади. Мана шу коидага биноан, хайвонларнинг суюгидан, терисидан ёки пайларидан килинган «жалатин» моддаси халол хисобланади.

Шунингдек, чўchkанинг ёки ўзи ўлган хайвоннинг ёгидан килинган совунлар мазкур чўчка ёги ёки ўзи ўлган хайвоннинг ёги бошка моддаларга – пок нарсаларга аралашиб, ўзининг хусусиятини батамом йўкотса, шакли-шамоили умуман колмаса, хеч кандай аломати бўлмай бутунлай йўк холга айланиб кетган бўлса, ўшандан тайёрланган совунларни хам ишлатса бўлади.

Шунингдек, баъзи бир суриладиган малхамлар, кремлар, пардоз-андоз ашёларини таркибида чўchkанинг ёгидан кўшилган бўлиши мумкин, лекин ана ўша нарсани зийнат нарса бўлганлиги учун ишлатиб бўлмайди. Факат хали айтганимиздек, бу нарса жуда оз бўлиб, ўша ёгни бутунлай бошка нарсага айланиб кетганлиги, унинг асорати умуман колмаганлиги аник бўлсагина, ишлатиб бўлади.

Шунингдек, кишининг хушини йўкотадиган, араб тилида «мухаддир» деб аталадиган,

бизда тиббий маъноларда ишлатиладиган нарсалар бор – нашанаванд, наркотик моддаларни бирортасини танаввул килиб бўлмайди. Факат тиббий маънода, муайян бир микдорда, муайян бир шаклда, табибларни бошчилигига ва уларни тайинлаши асосидагина улардан фойдаланиш мумкин, холос».

(Арабчадан сўзма – сўз таржима тугади)

Алохидা, таъкидлаб айтиб ўтишимиз керакки, мана бу бўлаётган изнлар, рухсатлар фатво тарикасида айтилган нарсалардир. Яъники, ўрганиб чикиб, «мана шу нарса жоиз бўлади» деган хulosа чикарилгандир. «Буни хамма истеъмол килиши мажбур, килмаса бўлмайди» деган маъно мутлако йўк. Кишиларнинг ичida такво йўлини тутиб, «мана шу нарсаларни ўзим истеъмол килмайман, нима бўлса хам ичida шубҳали нарса борлиги кўнглимни хира киляпти» деган одамлар бўлса, улар албатта такво йўлини тутганлари афзал. Кўнгиллари тортган холатда энг шубҳасиз нарсаларни истеъмол килиб юришлари ўзларининг иши – такволари.

Лекин, уламолар рухсат бериб кўйган тарафни олиб «уламолар рухсат берган, мана шу нарсалардан истеъмол килсак жоиз экан» деб баъзи бир одамлар истеъмол килса, такво йўлини тутганлар уларни маломат килмасликлари керак. Аксинча, фатво йўлини тутиб турганлар такво йўлини тутганларни маломат килмасликлари керак.

Хар ким муфтийларнинг фатво беришлари билан бирга яна ўз калбига ўзи фатво бериб, шариат худудида турган икки тарафдан бирини олишга хакки бор хисобланади.

Аллоҳ субхану ва таоло барчаларимизни озик-овкатимиз, дори-дармонимиз халол, пок бўлишини Ўзи насиб килган бўлсин, барчаларимизга Ўзи пок юришни таъминлаган бўлсин. Омийн!